

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 23 октябрь, № 216 (8839) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 октябрь куни маҳаллийлаштириш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи бу йўналишларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги етти йилда мамлакатимизга 78 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар келган. Давлат-хусусий шериклик бўйича қонун қабул қилиниб, мингдан зиёд лойиҳалар бошланган. 1 минг 800 турдаги янги маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, ҳали салоҳият катта. Йиғилишда мазкур йўналишларнинг ҳар бири таҳлил қилиниб, қўшимча имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда барча тармоқларда 140 миллиард долларлик 366 та йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Инвестиция лойиҳалари доирасида йилига 15 миллиард долларлик ускуна, хомашё ва қурилиш материаллари олиб келиняпти. Шуларнинг ҳар бирида маҳаллий улушни кўпайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Юртимиздаги йирик тармоқларда ҳам шундай имкониятлар бор. Масалан, энергетика тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш дастурига мувофиқ 36 миллиард долларлик 164 та қувват яратилади. Шундан 88 таси давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилади.

Тоғ-кон саноати бўйича ҳам 1 миллиард 230 миллион долларлик дастур қабул қилинган. Соҳадаги йирик комбинатларга маҳаллий корхоналар ўзаро манфаатли боғланган.

Автосаноатда ҳам ушбу йўналишда ишга солинмаган имкониятлар кўп. Биргина қўшни давлатларда автомобиль эҳтиёт қисмларига йиллик талаб 1 миллиард долларни ташкил қилади.

Маҳаллийлаштириш жараёнида нарх бўйича ҳам, сифат бўйича ҳам рақобатдош маҳсулот чиқариб, экспортни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу йўналишлар бўйича аниқ лойиҳалар шакллантириб, имкониятларни натижага айлантириш зарурлиги таъкидланди. Саноат тармоқлари билан ҳудудлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш, давлат харидларида маҳаллий маҳсулот ва хизматлар улушини ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

Яқинда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида 30 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари тасдиқланди. Бунда ҳар бир соҳанинг имкониятлари очиб берилган. Жумладан, транспорт бўйича 10 миллиард доллар, ижтимоий соҳаларда 6 миллиард доллар, коммунал тармоқда 5 миллиард долларлик режалар кўзда тутилган.

Бу лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш, маблағларни самарали йўналтириш вазифалари қайд этилди.

Йиғилишда хорижий инвестициялар оқими ва келгуси режалар ҳам кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 23 миллиард 660 миллион доллар хорижий сармоя кириб келган. Шунингдек, 4 миллиард 600 миллион долларлик 120 та йирик қувват ишга тушган.

Йил якунигача бу суръат давом этади. Шу тариқа 2017 — 2024 йилларда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий қиймати 100 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда мутасаддилар белгиланган вазифаларни бажариш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БРИКС МАМЛАКАТЛАРИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлади.

Давлатимиз раҳбари Россия томони раислигида ўтказиладиган «БРИКС плюс» форматидаги ялпи сессияда нутқ сўзлайди.

Учрашув кун тартибидан инклюзив ва барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Шунингдек, глобал сиёсатнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, ташриф дастурида икки томонлама қатор учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

БРИКС бирлашмаси 2006 йилда ташкил этилган. Ҳозирда Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Миср ва Эфиопия унинг аъзоларидир.

ЎзА.

Ўзбекистон — БРИКС:

ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРЛАРИНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23-24 октябрь кунлари Россия раислигида Қозон шаҳрида бўлиб ўтадиган БРИКС саммити доирасидаги тадбирларда иштирок этади.

Ушбу тузилма 2006 йил июнь ойида Санкт-Петербург иқтисодий форуми доирасида Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой иқтисодиёт вазирлари иштирокида ташкил қилинган. Ташкилотни тузиш Россия томони ташаббуси билан бошланган.

Россия, Бразилия, Хитой ташқи ишлар вазирлари ва Ҳиндистон мудофаа вазири иштирокидаги ўша пайтдаги БРИКСнинг биринчи йиғилиши 2006 йил 20 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 61-сессияси доирасида бўлиб ўтган эди.

2

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан «Бизнинг номзодларимиз мамлакатимиз барча ҳудудида барқарор ривожланишга эришишни мақсад қилган» ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан «Халқ демократик партияси ғоя ва ташаббуслари фаол қўллаб-қувватланмоқда» сарлавҳали материаллар эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Таҳлил

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда замонавий сайлов тизими яратилди. Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро тамойилларига мос бўлган, фуқаролар хоҳиш-иродасини эркин билдириши кафолатларини, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган қонунчилик ривожланиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, бу галги сайловлар мутлақо ўзгача конституциявий-ҳуқуқий шароитда бўлиб ўтмоқда ва янги таҳрирдаги Конституцияга асосан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари кенгайтирилган ваколатлар асосида иш бошлайди. Бу билан сайловлар орқали кучли ва профессионал парламентни шакллантириш мақсад қилинган. Шу боис сайловларни демократик принциплар асосида ташкил этиш учун қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Аммо ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, сайловларни ўтказиш жараёнида айрим қонунбузилиш ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, 2023 йилда сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ 23 та, жорий йилнинг ўтган даврида 9 та ҳолат маъмурий судларда кўриб чиқилган. Бу эса мазкур масалани чуқур таҳлил этишни тақозо қилади.

Сайлов комиссиялари фаолиятига аралашиш, қарорларини бажармаслик қонунчиликка зид

Марказий сайлов комиссияси ва унинг тизимлари сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясига мувофиқ МСК сайлов тизимига бевосита раҳбарликни амалга ошириб, демократик тамойиллар асосида сайловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Сайлов кодексига мувофиқ сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Сайлов комиссиялари фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Шунинг учун мансабдор шахснинг МСК, сайлов комиссиялари фаолиятига аралашиши, улар ишига тўсиқларни юзага келтириш билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлари *МЖтКнинг 51²-моддасига асосан жавобгарликка сабаб бўлади.*

4

Сенат қўмитасида

Бюджет субсидиялари жами даромад таркибига киритилмайди

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент юқори палатасининг галдаги ялпи мажлисига киритилаётган иккита қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди. У билан Солиқ кодексига қўшимча манбалардан даромад олувчи бюджет ташкилотлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг амал қилишини 2027 йилнинг 1 январигача узайтириш, шунингдек, жами даромаднинг чегаравий миқдорини 5 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмга ошириш, ушбу даромад мавжуд бўлганда солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлашини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қолаверса, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бериладиган бюджет субсидиялари жами даромад таркибига киритилмаслигини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилаётганини таъкидлаш зарур.

Ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларга нисбатан фойда солиғи бўйича вақтинчалик солиқ имтиёзлари берилаётгани ҳам эътиборга молик.

Шунингдек, Президентнинг қарори билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича протез мосламалари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда мамлакатимиз резидентлари бўлган вагон (контейнер)лар операторларининг темир йўл транспортида ташиш жараёнида вагонларни ижара шартлари асосида фойдаланишга бериш бўйича хизматлар кўрсатиш айланмаси қўшилган қиймат солиғини тўлашдан вақтинчалик озод қилиниши кўзда тутилмоқда.

Қўмита йиғилишида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Бу қонунга мувофиқ “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилаётир.

Аниқ айтадиган бўлсак, чет эл тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилишда давлат божини тўлаш ҳар бир йил учун амалга оширилишини аниқлаштирувчи ўзгартириш назарда тутилмоқда.

Қайд этилганидек, мазкур қонунлар таълим тизимини такомиллаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини оширишга ҳамда солиқ тўловчилар учун солиқ юкини камайтиришга ва истеъмолчилар томонидан қарзларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида кўрилган масалалар бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни

ҚОНУН КУЧИНИ АМАЛДА НАМОЁН ЭТАДИГАН ЭНГ САМАРАЛИ ТИЗИМ

Юрт тинчлиги — мамлакат барқарор тараққиётининг муҳим шарти. Ҳар бир инсон учун Ватан осойишталиги, оилалар хотиржамлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодат.

Шу маънода, кейинги йилларда ички ишлар органларини чинакам халқчил тузилмага айлантириш, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилиб, аҳоли учун барча шаҳар ва қишлоқларда хавфсиз яшаш ва меҳнат шароитини яратиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти. Энг қуйи бўғиндаги ҳолат ҳамда муаммоларни чуқур ўрганиб, маҳаллаларни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш пировард мақсадимизга айланган.

Айтиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданоқ “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғояни илгари сурган эди. Мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимидаги туб ислоҳотлар айнан ана шу халқпарвар ғояга ҳамоҳанг, десак, муболаға эмас.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида ички ишлар органларининг тузилмаси мақбуллаштирилиб, барча бўғин раҳбарларининг халқ депутатлари Кенгашлари ва Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги белгиланди. Шахсий таркибнинг 85 фоизи қуйи бўғинга туширилиб, аҳолига яқиндан хизмат қиладиган бўлди. Раҳбарларнинг халқ ичига кириб, аҳоли билан бевосита мулоқотга киришиши йўлга қўйилди.

Айниқса, жойларда ички ишлар идоралари бошлиқлари 3-секторга раҳбар этиб белгиланиб, тегишли секторда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш асносида аҳолининг дарду ташвишини яқиндан билиб оляпти. Шу аснода улар томонидан ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, кам даромадли оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида эса ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари белгиланди. Жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий хавфли жиноятларни фош этиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги ёндашув тубдан ўзгартирилди.

Хусусан, ички ишлар органларида криминоген вазиятни таҳлил этиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишнинг мутлақо янги механизми яратилди. Вазирлик тизимида йўлга қўйилган Криминология тадқиқот институти бугунги кунда айнан жиноятлар содир этилишининг янги услубларини ва криминоген вазиятни илмий таҳлил қилиш билан шуғулланмоқда.

2

ДАВЛАТ ТИЛИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИ ЯГОНА ОИЛА СИФАТИДА БИРЛАШТИРАДИ



Шукуҳ

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни мамлакатимизда кўтаринки руҳда нишонланди. Президентимизнинг сана муносабати билан халқимизга йўллаган табриги байрам шукуҳини янада оширди.

“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган эзгу ғоя асосида дадил илдамлаётган янги Ўзбекистонда давлат тилини янада ривожлантириш, унинг софлигини сақлаш, жаҳонда тарғиботини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу нафақат халқимизни мамнун этяпти, балки хорижликларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

4-саҳифага қаранг.

ИНСОН ҚАДРИ ВА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини муттасил ошириш, ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликни қисқартириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони саналади. Шу боис ўтган даврда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимли давом эттирилаётир.

Фикр

Бинобарин, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш, меҳнатга лаёқатли аҳоли, жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг барқарор ва самарали бандлигини таъминлаш, бунинг натижасида ишсизлик даражасини 7 фоизгача тушириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга экани, қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, ушбу йўналишга ажратилаётган маблағлар қамрови ошгани, соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилаётгани натижасида юртимизда камбағаллик даражаси 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқарди. Бу одамлар турмушидаги ўзгаришлар, уларнинг юз-кўзидаги мамнунлик, бугунги яшаётган кунидан розилик ифодаси ўлароқ ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ўтган беш йиллик фаолияти даврида мазкур йўналишда самарали иш олиб борди. Ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигига кўмаклашиш ва меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, қонун ижодкорлиги йўналишида 30 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди ва улардан 25 таси қабул қилинди.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси 2024 йил 23 октябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 23 октябрь

Ўзбекистон — БРИКС:

ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРЛАРИНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК

1 2010 йил 12 ноябрда Сеулда бўлиб ўтган “G20” саммитида Жанубий Африка Республикаси БРИКСга қўшилиш истагини билдирди. Жанубий Африканинг қўшилиши билан тузилма номи БРИКС сифатида қайта ташкил этилди.

2023 йил августда бўлиб ўтган саммитда Эрон, Саудия Арабистони, Миср, Аргентина, Эфиопия ва БАА ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиш учун таклиф қилинган эди. 2024 йил январда ушбу давлатлардан тўрттаси — Миср, Эрон, БАА ва Эфиопия ташкилотга расман қўшилди.

Бирлашмага аъзо бўлган давлатлар нуфузли халқаро тузилмалар — БМТ, “G20”, Жаҳон савдо ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, “G77” гуруҳи, шунингдек, қатор йирик минтақавий тузилмаларнинг нуфузли иштирокчилари ҳисобланади.

БРИКС ҳамкорлари ўртасидаги муносабатлар БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари, шунингдек, тенглик, очиқлик, прагматизм, бирдамлик, қўшилмаслик ва учинчи томонларга бетарафлик тамойиллари асосида қурилган.

Бирлашма механизми, таъкидланганидек, тинчлик, хавфсизлик, тараққиёт ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. БРИКСнинг асосий мақсади иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ва технологик салоҳиятини сезиларли даражада мустаҳкамлаш йўлида самарали алоқалар учун шароит яратишдир.

БРИКС доирасида Ишбилармонлар кенгаши ва БРИКС Тараққиёт банки фаолият юритади. Иқтисодий йўлда тузилма мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик 2025 йилгача бўлган Иқтисодий шериклик стратегиясига асосланади. У аъзо мамлакатларнинг икки томонлама иқтисодий алоқаларини уларнинг кўп томонлама форматдаги ўзаро таъсири билан тўлдиришни, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, бирлашмалар ва форумларда, биринчи навбатда, Жаҳон савдо ташкилотида мувофиқлаштиришни таъминлашни назарда тутади.

БРИКС мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар форматлари тизими олий даражадаги йиллик режалаштирилган учрашувларни ўз ичига олади. БРИКСга раислик тақвими йил давомида иштирокчи давлатлар томонидан ротация асосида амалга оширилади. Барча қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон учун БРИКС инклюзив ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш кун тартибини илгари суриш учун изланаётган платформа ҳисобланади.

2015 йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Россия томони раислигида Уфа шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ ва БРИКСга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди. Йиғилишда ташкилотга аъзо 9 давлат раҳбарлари қатнашган.

Ўзбекистон Президенти 2022 йил 24 июнь куни “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда иштирок этди. Хитой томони раислигида ўтган ушбу онлайн-форумда дунёнинг 18 мамлакатидан давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашди.

Россиянинг БРИКСга жорий раислиги доирасида Ўзбекистон Ёшлар саммити, БРИКС спорт ўйинлари, IX юридик форуми, X парламент форуми, турдош шаҳарлар ва муниципалитетлар форуми, шунингдек, БРИКС ва “БРИКС плюс” мамлакатларида хавфсизлик масалаларини назорат қилувчи юқори даражали шахслар учрашувида иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 24 июнь куни бўлиб ўтган “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда сўзлаган нутқида жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатларни енгиб, ўтиш мақсадида савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирларини яратиш, саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларга инвестициялар жалб этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш, технологиялар трансфери ва инновацияларни жорий этиш, сунъий интеллект, рақамлаштириш, биотехнологиялар, вакциналар ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, қўшма лойиҳа ва ташаббусларни илгари суриш мақсадида “БРИКС плюс” ишбилармон доиралари форумини йўлга қўйишни таклиф қилди.

“Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига биргаликда эришиш учун кенг кўламли халқаро шерикликка, шу жумладан, “Жануб — Жануб” форматидаги ҳамкорликка очиқмиз ва бу йўлга содиқмиз”, деди Ўзбекистон етакчиси.

Демак, давлатимиз раҳбарининг бўлажак БРИКС саммитидаги иштироки халқаро алоқаларни янада кенгайтириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий алоқаларига интеграциялашувига, мамлакатимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган ишончли шерик сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

ҚОНУН КУЧИНИ АМАЛДА НАМОЁН ЭТАДИГАН ЭНГ САМАРАЛИ ТИЗИМ

1 Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида маҳаллаларда хавфсиз шароитлар яратилмоқда. Бунда ҳар қайси ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиняпти. Эндиликда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кунлик ташкил этиш одатий ҳолга айланди. Асосий эътибор аҳоли орасида жиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабатни ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилмоқда. Жиноятларнинг сабаблари маҳаллабай ва соҳабай муҳокама қилинаётгани жиноятчиликни жиловлашда яхши самара бермоқда.

Маҳалла ҳудудини интеллектуал видеокузатув тизими орқали назорат қилиш ҳамда хавфсизлик билан боғлиқ хабарларни профилактика инспектори планшетига дарҳол юбориш бўйича Хива туманидаги Истиқлол маҳалласида тажриба яратилган эди. Ушбу тажриба ижобий натижа бергач бутун мамлакатимиз бўйлаб жорий этилмоқда.

Бухоро вилояти ҳудудий ички ишлар органларининг 150 нафар профилактика катта инспектори томонидан учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) дан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Муҳими, дрон ёрдамида ўзига бириктирилган ҳудуддаги вазиятни назорат қилиши учун янги имкониятлар яратилмоқда. Агар ушбу амалиёт яхши самара берса, уни ҳам мамлакатимиз бўйлаб татбиқ этиш режалаштирилган.

Шунингдек, Наманган вилоятида ёнма-ён жойлашган криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни микроҳудудларга ажратган ҳолда уларда профилактика бош инспектори ва профилактика кичик инспектори лавозимлари киритилди. Ушбу янгилик ҳам маҳаллаларда аҳоли осойишталигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда ўз самарасини беради, деб умид қиламиз. Гулистон шаҳридаги Боғишамол ва Тараққиёт маҳаллаларида синовдан ўтган кўп қаватли уйларнинг кириш-чиқиш жойларини видеоназорат қилиш воситалари билан жиҳозлаш тажрибаси эндиликда бошқа жойларга ҳам татбиқ этиляпти.

Ҳозирда ҳар бир маҳаллага камида биттадан профилактика инспектори масъул. Кечаю кундуз аҳолининг хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш имкониятига эга бўлиши учун уларга маҳаллаларнинг ўзида 6 552 та хизмат уйи берилди. Бундан ташқари, ушбу соҳа вакилларига автомашина харид қилиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Яна бир янгилик. Маҳаллаларда “ижтимоий профилактика” тизимига асос солинди. Унга кўра маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ҳуқуқбузарлик содир қилиши ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича манзилли ишларни амалга оширмоқда. Бу борада уларга ижтимоий ходим, солиқ инспектори, бандлик ходими, инспектор-психолог, тиббиёт ходими ва бошқа мутасаддилар яқиндан кўмаклашяпти.

Жамоат хавфсизлигини “инсон омили”ни истисно этган ҳолда таъминлаш масаласи ҳам вазирлик раҳбариятининг доим диққат марказида. Ана шу мақсадда энг олис ҳудудларда ҳам жиноятлар бўйича хабарларни қайд қилишнинг “102” автоматлаштирилган тизими жорий этилди. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича баённомаларни электрон тарзда расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди.

Кўчаларда хавфсизлик ҳолатини кузатиш учун вилоят марказларида 13 та Тезкор бошқарув маркази ҳамда туман-шаҳарларда 130 та Мониторинг маркази ташкил этилиб, уларга 19 мингдан зиёд видеокамералар интеграция қилинди.

Маълумки, ахборот коммуникациялари ривожлангани, ижтимоий тармоқлар оммалашгани сайин, аҳоли орасида кибержиноятлардан жабрланаётганлар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Шу боисдан юртдошларимизни огоҳликка чақириш мақсадида виктимологик профилактика тадбирларини кучайтирдик.

Ушбу тадбирлар жараёнида банк пластик карталаридан қандай хавфсиз фойдаланиш кераклиги, кибержиноятчилардан эҳтиёт бўлиш чоралари аҳолига ҳар томонлама тушунтириляпти.

Яна рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада тезкорликни ошириш учун патруль-пост хизматида автопатруллар сони кўпайтирилиб, ушбу соҳа шахсий таркибининг 37,8 фоизи автопатруль йўналишларига жалб қилинди. Сўнгги пайтларда турли кўнгилсизликларга, ҳатто одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига



олиб келаётган автоаварияларнинг юз бераётгани кўпчиликни жиддий ташвишга солаётгани аччиқ ҳақиқат. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун йўл-патруль хизмати ходимлари 4 629 та бодикамера, 1 448 та алкотестер, ҳуқуқбузарликни қайд этувчи 4 365 та планшет ҳамда замонавий патруль автомашиналари билан таъминланди.

Умумтаълим мактабларида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” ўқув синфхоналари, маҳаллалар ва мактабгача таълим ташкилотларида эса йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилувчи болалар майдончалари ташкил этилди. Шу тариқа болаларда йўлларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантиришнинг яхлит тизими яратилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳам устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Ҳозирда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан фақат видеокамера назорати остида мулоқот қилинади. Барча тергов хоналарига видеокамералар ўрнатилган. “Гезелла ойнаси” билан жиҳозланган ва видеоконференцалоқа тизимига уланган 57 та махсус тергов хонаси ташкил этилган.

Бу ҳам тергов ҳаракатлари холисона олиб борилишининг гаровидир. Аммо биз фақат назорат воситалари билангина чекланмаяпмиз. Аввалambор, шахсий таркибни инсонпарварлик, ватанпарварлик, бурчга садоқат, қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш чораларини кўряпмиз. Бу борада Маънавият ва маърифат дарслари, турли маданий-маърифий тадбирлар, якка тартибдаги тарбиявий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Замон талабларидан келиб чиқиб жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш амалиёти тўлиқ рақамлаштирилди. Тизимда жами 262 та фуқарони қабул қилиш хоналари ташкил этилди. Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари билан боғлиқ ҳолатларда (1102), қийин вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга (1259 ва 1286), туристларга (1173) ва одам савдосидан жабрланган фуқароларга (301-01-01) ҳуқуқий ва тезкор психологик ёрдам кўрсатиш бўйича қисқа рақамли “Ишонч телефони” ишлаб турибди.

Юртбошимиз раҳнамолигида юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг тегишли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш ғояси алоҳида ўринни эгаллаган. Ана шу ғоядан келиб чиқиб янги Ўзбекистоннинг янги ички ишлар органлари яратилмоқда. Ички ишлар органлари ходимлари “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз” эканлигини яхши билишади. Улар ана шу эзгу мақсад йўлида бор куч, билим ва салоҳиятларини аямайди.

Барчамиз яхши биламизки, тинчлик-осойишталикни сақлаш, қонун устуворлигини таъминлаш — мамлакат тараққиёти, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар самарадорлигининг асосий шартларидан бири. Президентимиз “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим, бу — ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади”, дея ходимларимизга юксак ишонч билдирди. Вазирлик шахсий таркиби бу ишончдан руҳланиб, бундан буён ҳам мамлакатимизда демократик ислоҳотларни изчил давом эттиришга, халқимизни рози қилишга, тинчлик-барқарорлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири,
генерал-лейтенант.

ИНСОН ҚАДРИ ВА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ



1 “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.


Биргина “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонун юртимизда инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган амалий ишларнинг ёрқин ифодаси бўлди. Зеро, ушбу ҳужжатга асосан ёшга доир, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кўп миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилди. Айни вақтда мазкур ҳужжат пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ва ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Алоҳида қайд этиш жоизки, қўмитамиз аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 4 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қуйи палата муҳокамасига киритилди. Масалан, қўмитамиз масъуллигида қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қонун ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди, дейиш мумкин. Зеро, мазкур ҳужжат билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланиш, сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, шунингдек, таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилиши назарда тутилди.

Эътиборли жиҳати, ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун мутлақо янги тизим яратилиб, у давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабати, масъулияти янги даражага кўтарилаётганини яққол намоён этди.

Фаолиятимиз давомида аҳоли бандлигини таъминлаш, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик ишлаш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатишга оид ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини олиб боришга ҳам масъуллик билан ёндашилди. Шу даврда назорат-таҳлил фаолиятимиз доирасида 80 га яқин тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, қўмитамиз аъзолари томонидан жойларга чиққан ҳолда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ва “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунларнинг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли мутасаддиларнинг ахбороти қўмита мажлисларида эшитилди. Қолаверса, ушбу тадбирлар ва ўрганишлар якунидан келиб чиқиб, ташаббусимиз билан давлат органларининг мансабдор шахсларига 4 та парламент сўрови юборилди.



Қўмитамиз аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан эса 169 та депутат сўрови юборилди.

Аёнки, депутат халқ вакили сифатида давлатимиз сиёсатини рўёбга чиқаришда фаол ва ташаббускор бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадларига эришди. Масъуллигимизда қабул қилинаётган қонунларда, аввало, фуқаролар бандлигини таъминлаш, инсоний қадрлаш, одамлар ҳаётдан рози бўлишига катта эътибор қаратилгани фикримиз исботидир. Зотан, бу саъй-ҳаракатлар, ҳуқуқий ислоҳотлар аҳоли фаровонлиги янада ортишига, турмуш даражаси яхшиланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, қўмитамиз аъзолари томонидан турли масалалар юзасидан 3 132 нафар жисмоний ва юридик шахс вакилларининг қабули ташкил этилди. Улар томонидан кўтарилган масалаларнинг аксарияти депутатлар саъй-ҳаракати билан ўз ечимини топди. Қолганлари эса кўриб чиқиш учун тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юборилди.

Қўмитамиз аъзолари аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари яратиш ҳамда камбағалликни қисқартиришга қаратилган

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Самарқандда Ўзбекистон — Қозоғистон тўртинчи ҳудудлараро форуми ўтказилди. Форум ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ҳамда Қозоғистон Республикаси Бош вазири О. Бектенов, икки давлат ҳукумати аъзолари, ҳудудлар раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Қардошлик ришталари

Бош вазирлар давлатларимиз раҳбарларининг самимий муносабатлари ва оқилона ташқи сиёсатлари туфайли кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб, барча соҳада ижобий ўсиш кузатилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги 7 йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро савдо айланмаси деярли 2,5 баробар ўсиб, ўтган йили 4,4 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда мамлакатимизда Қозоғистон капитали иштирокида 1100 га яқин, Қозоғистонда эса Ўзбекистон капитали иштирокида 3600 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда.

Захиралардан самарали фойдаланган ҳолда яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш имконияти мавжуд.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил август ойида Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 7 миллиард долларлик шартнома ва битимлар имзолангани мамнуният билан қайд этилиб, бу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда ҳукуматлар ва минтақалар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги узоқ муддатли шерикликни кенгайтиришда ҳудудлараро алоқалар ҳақиқий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Манғистау вилояти билан, Тошкент вилояти Туркистон вилояти билан, Навоий вилояти Қизилўрда вилояти билан тўғридан-тўғри ва яқин алоқалар ўрнатган.

Тошкентлик тадбиркорлар Чимкент шаҳрида маиший техника ва инфузион препаратлар ишлаб чиқаришни бошлади. Самарқанддаги “Azia Metall” компанияси эса Тараз шаҳрида пўлат маҳсулотини ишлаб чиқариш заводини қурмоқда. Остонадаги “BI Group” холдинг компанияси Тошкент шаҳрида йирик қурилиш лойиҳаларини амалга ошираётган бўлса, “PTC Holding” компанияси Тошкент вилоятида йирик логистика марказини барпо этмоқда.

Давлатларимиз ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бу борада доимий равишда Ўзбекистон ва Қозоғистонда маданият кунлари, кино, театр, илмий ва ижодий жамоалар, зиёлилар форумлари, ўқув кўргазмалари, музей экспонатлари экспозицияларини ўтказилмоқда.

Туризм соҳаси давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири экани қайд этилиб, сайёҳлик хизматларини кўрсатиш ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бош вазирлар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг вилоятлари ҳамда шаҳарлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрликларини тасдиқладилар.

Форумда ҳудудлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан муҳим таклиф ҳамда ташаббуслар билдирилди. Давлатлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Бир қатор вазирликлар ва минтақалар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ҳудудлараро форум доирасида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов ҳамда Қозоғистон Республикаси савдо ва интеграция вазири Арман Шаккалиев бошчилигида минтақалар раҳбарлари ва 200 дан ортиқ тадбиркорлар, йирик компаниялар вакиллари иштирокида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонлари учрашуви ўтказилди.

Учрашувда икки давлат ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва тайёр маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш юзасидан музокаралар олиб борилди ва 30 дан ортиқ шартномалар имзоланди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗ БАРЧА ҲУДУДИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ерларни ва ичимлик суви манбаларини асраш, мавжуд экологик муаммоларга ечим топиш умуммиллий аҳамиятга молик масалалар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастуридан юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ҳамда ҳар бир фуқаро учун зарур ва аҳамиятли бўлган муҳим масалалар ўрин олган.

Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган сайловолди тадбирларида Экопартия томонидан илгари сурилаётган қатор ташаббус ва таклифлар сайловчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Сайловолди учрашувлари савол-жавобларга бой тарзда, сайловчиларнинг фаоллигида ўтаётгани, аҳолининг Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастури ва партиядан кўрсатилган номзодларга бефарқ эмаслигидан дарак беради.

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида “Табиат учун бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган сайловолди учрашувида сўзга чиққан партия фаоллари томонидан Сайловолди дастуридаги **Оролбўйи минтақасининг** экологик ҳолатини яхшилаш, **аҳолига қулай яшаш шароитини яратиш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш**га қаратилган таклиф ва ташаббуслар моҳияти атрофлича тушунтирилди.

Мамлакатнинг **иқлим “юки” мониторинги**ни ва **иқлим ҳисобини юритиш** механизмларини жорий этиш, иқлим ўзгаришларига чидамли янги ўсимлик навларини ва чорва зотларини яратишни рағбатлантириш, тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ **экотизимдаги йўқотишлар ва зарарларнинг ўрнини қоплаш учун махсус жамғарма** ташкил этиш каби ташаббуслар алоҳида қайд этилди.

Айбек АМИНОВ,
2-Қорақалпоғистон Республикаси сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Оролбўйи ҳудудида халқаро молия институтларининг биохилмахилликни сақлаш, иқлим ўзгаришини юмшатиш, чўлланишнинг олдини олишга қаратилган **лойиҳа ва дастурларини кенг жалб этиш** орқали ушбу ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш партиямиз учун устувор вазифа ҳисобланади. Оролбўйи минтақасида жойлашган **Қизилқум чўли ҳудудида саҳрога мос ўсимликлар экиш** орқали қум бўронлари кўтарилишининг олдини олиш ва яйловлар деградациясини тўхтатиш мумкин.

Сайловчилар томонидан ижобий баҳоланаётган — **экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш** таклифи шуниси билан аҳамиятлики, биз ёш авлодга таълим-тарбия бериш орқали табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга эриша оламиз.

Андижон вилояти. Ўзбекистон Экологик партиясидан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан ўтказилган учрашувда партиянинг Сайловолди дастурида ҳамда номзодлар дастурларининг **келгуси беш йилликдаги устувор вазифалари** кенг муҳокама қилинди.

Унда Ўзбекистон Экологик партиясининг Сайловолди дастуридан республикада **чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини** ҳамда **чиқиндиларни қайта ишлаш, экологик хавфсиз тарзда утилизация қилишни такомиллаштириш**, кўрсатиладиган **хизматлар сифатини ошириш**, соҳага тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтириш ташаббуслари ҳам ўрин олгани алоҳида қайд этилди.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
9-Андижон вилояти сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Сайловолди дастуримизда саноатда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш орқали **энергия сарфини 50 фоизга қисқартириш**, 2030 йилгача энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланадиган энергия манбалари улушини **икки карра ошириш** каби ғояларимиз андижонлик юртдошларимизнинг катта қизиқиш ва эътиборини қозонмоқда. Чунки вилоят аҳоли зич жойлашган ҳудуд бўлгани учун бу масалалар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Учрашув давомида сайловчилар томонидан атроф-муҳитнинг маиший чиқиндилар билан ифлосланишига чек қўйиш юзасидан таклифлар билдирилди. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, иккиламчи ресурс сифатида фойдаланиш билан боғлиқ муайян муаммолар мавжуд бўлиб, бугун қаттиқ маиший чиқиндиларнинг бор йўғи **4-5 фоизи** қайта ишланмоқда.

Сайловолди дастуримизда чиқиндини хонадонларнинг ўзида саралаб олиб чиқишни рағбатлантириш орқали аҳоли пунктларида **қайта ишланадиган чиқиндиларни автоматлаштирилган тартибда қабул қилиб оладиган** қурилмаларни ўрнатиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан биогаз, биокўмир ишлаб чиқариш, полиэтилен, полиамид таркибли қадоқлаш маҳсулотлари, **бир марталик** ишлатиладиган пластик идишлардан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечиш, барча савдо масканларида пластик, бир марталик қоплар ҳамда шишаларни **қабул қилиш пунктларини очиш** бўйича аниқ таклифлар борлиги сайловчиларга манзур бўлди.

Самарқанд вилояти. Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида партия Сайловолди дастуридаги вазифаларни кенг оммага етказиш ва тарғиб қилиш юзасидан **сайловолди оммавий тадбири** ўтказилди. Мазкур тадбирларда партиядан Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари, экология соҳасидаги ташкилотлар вакиллари, экофаоллар, волонтёрлар ҳамда маҳаллий аҳолидан иборат сайловчилар иштирок этди.



Оммавий тадбирда партия раиси Абдушукур Ҳамзаев иштирокчиларни партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялари билан таништириб, барчани жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда фаол қатнашишга чақирди. Партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган юртимизда **“яшил” ва рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш**, бунинг учун **инвестиция фондини** ташкил этиш, “яшил” инновацияларни татбиқ қилишда **хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шерикликни ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш** ҳамда йирик саноат корхоналарида “яшил” технологиялар жорий қилинишини жадаллаштириш, **саноатнинг “яшил” ва кам углеродли ривожланишини** таъминлаш каби қатор муҳим ташаббуслар сайловчиларга атрофлича тушунтирилди.

Тадбирда сўзга чиққан Экопартия фаоллари яқинлашиб келаётган сайловларда яшил табиат ва мусаффо ҳаво, соғлом турмуш истагида бўлган барча юртдошимизни Ўзбекистон Экологик партиясини ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шавкат ҲАСАНОВ,
Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти ректори:

— Экопартия бугун нафақат сизу бизнинг овозимиз, балки табиатнинг овозини ҳам баралла айтмоқда. Шунинг учун партиямиз халқимизнинг, фарзандларимизнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни бош мақсад сифатида қўймоқда.

Партиямиз **2030 йилга қадар йирик шаҳарларда йўловчиларнинг велосипедда ҳаракатланиш улушини 20 фоизга етказиш**ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мисол учун, мана Республика майдони атрофидаги майдонда скутер, миниэлектробуслар ҳаракатланади. Шовқинсиз, атрофга зарарсиз, ҳамма учун қулай. Шундай муҳитга бутун шаҳримиз бўйлаб эришсак қандай яхши?! Ўзбекистон Экологик партиясининг мақсади ҳам ана шунга қаратилган.

Тошкент шаҳри. Ўзбекистон Экологик партиясининг **шаҳарларда бино ва кўп квартирали уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** механизмларини қонунда аниқ белгилаш, **дарахтзорлар мавжуд бўлган ер майдонлари қурилиш мақсадида реализация қилинишини қонун билан тақиқлаш, 10 ёшдан катта дарахтларни кўчириб ўтказишга бутунлай чеклов қўйиш** каби таклифлари пойтахтлик сайловчилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Шаҳар ҳудудидаги ҳар бир дарахт тақдири учун қайғуриш ҳамда яшил майдонларни кўпайтириш бугун жиддий муаммо бўлиб турган атмосфера ифлосланишига қарши курашдаги энг мақбул чора экани қайд этилди.

Акмал РАСУЛОВ,
75-Тошкент шаҳар округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Шаҳарларимизда яшил майдонлар ва дарахтлар тобора камайиб кетаётгани, бу эса жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини кўриб турибмиз. Партиямизнинг **шаҳарларда бино ва кўп квартирали уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** механизмларини қонунда аниқ белгилаш таклифи, айниқса, Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сайловчиларга манзур бўлмоқда.

Тошкент шаҳри учун энг долзарб экологик муаммолардан бири бу ҳаво ифлосланишидир. Бугунги кунда пойтахтда **630 минг**дан ортиқ транспорт воситалари бор. Унга қўшимча равишда бир кунда пойтахтга ўртача **150 минг**дан **300 минг**гача транспорт воситаси кириб келади. Бу ҳам Тошкент шаҳрида транспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига чиқарилган ифлослантирувчи моддалар миқдорининг ортишига олиб келмоқда.

Бу муаммонинг самарали ечими сифатида Ўзбекистон Экологик партияси томонидан **2035 йилгача автомобилсозлик саноатини тўлиқ электромобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш** ташаббуси илгари сурилмоқда. Бу ташаббус, атмосферага ташланаётган чиқиндиларни камайтириш ва шаҳарлардаги ҳаво сифатини яхшилашга сезиларли ёрдам беради.

Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди ташаббусларини, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун ғояларини қўллаб-қувватлашга чақирамиз!

Ўзбекистон Экологик партияси
Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Барчамиз йирик сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар остонасида турибмиз. Янги Ўзбекистонда сайловлар илк бор янгича, аралаш сайлов тизимида бўлиб ўтади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини эълон қилиши билан Халқ демократик партияси жараёнга қизғин киришди. Мамлакатимиздаги барча сайловда муносиб қатнашиб келаётган, 700 мингдан ортиқ аъзоларга эга партиямиз сайлов кампаниясининг илк кунларидан сайловчилар билан фаол мулоқотни бошлади.

Тарғибот тадбирлари республикамизнинг барча ҳудудида, аҳоли кенг қатлами орасида тизимли асосда олиб борилмоқда.

Халқ демократик партияси ўзининг сайлов стратегияси асосида уйма-уй юриб, 1 миллиондан ортиқ хонадонларга кириб чиқишни, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказишни, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини олишни мақсад қилган. Бу борада 3500 га яқин йигит-қиз ва фаоллардан иборат волонтёрлар гуруҳининг кўмаги катта бўлмоқда. Улар бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда барча ҳудудда партия Сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодлар ҳақидаги босма материалларни сайловчиларга етказяпти.

Партия фаоллари ҳамда партиядан кўрсатилган номзодлар ҳудудларда сайловчилар билан юзма-юз учрашувлар, очиқ мулоқотлар ташкил қилмоқда.



Қорақалпоғистондаги самимий учрашув

Фаол мулоқотлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида ташкил этилди. Нукус давлат педагогика институти филиалидаги учрашувда талаба ёшлар билан очиқ суҳбат бўлди. Партиянинг Сайловолди дастури ҳамда ёшларга тааллуқли таклифлар ҳақида маълумот ва фикрлар билдирилди. Ўзларига дахлдор ташаббуслар билан танишган ёшлар Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлашини маълум қилишди.

Шамурат АМАНБАЕВ,
мустақил изланувчи:

— Менга партиянинг сув ресурсларига боғлиқ таклифлари маъқул келди. Чунки сув — ҳаётий масала. У билан боғлиқ ҳар қандай ҳаётий таклифни ҳам, ташаббусни ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Сув ресурсларини бозор тамойиллари асосида баҳолаш, уларнинг иқтисодий қийматини аниқлаш ва сувдан фойдаланиш учун тўловларни жорий этиш муҳим. Бу сув ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиради.

Шунингдек, сув хўжалигини молиялаштириш учун халқаро грантлар ҳамда кредитлардан фойдаланиш зарур. Бу сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва бошқаришни таъминлайди.

Бир майдонда бир мақсад сари

Очиқ осмон остида ўтган Сурхондарёдаги оммавий тадбирда минглаб сайловчилар йиғилди. Партия раҳбари ва фаоллари томонидан Сайловолди дастуридан ўрин олган ғоя ва ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, улар нимага хизмат қилиши сайловчиларга содда ва халқчил тилда тушунтириб берилди. Бундай шаклдаги очиқ мулоқот орқали сайловчилар партиянинг энг муҳим таклифлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Робия АБДУРАҲМОНОВА,
ўқитувчи:

— Уч нафар фарзандим бор. Очиғини айтсам, мен бундай сайлов билан боғлиқ оммавий тадбирда биринчи марта қатнашяпман. Партия дастуридаги таклифларни эшитдик. Менга оналарнинг бола парваришлашга сарфланган вақтини тўлиқ иш стажига қўшиш керак, деган ғоя жуда ёқди.

Бу таклифнинг амалга ошиши кўпчилик аёллар, оналарни беҳад мамнун қилади. Чунки оналар фарзанди учун, керак бўлса, ўзидан ҳам кечади, умрини уларга бағишлайди. Кун келиб уларнинг давлат ва жамиятга фойдаси тегса, бу ота-она меҳнатининг самараси ҳисобланади.

Мазкур таклиф оналарни эъзозлашга ва оналикни рағбатлантиришга ҳамда уларнинг фидокорлигини қадрлашга хизмат қилади, деб биламан.

Зулхумор ХИДИРОВА,
халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатлигига номзод:

— Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастуридаги асосий ғоя ва ташаббуслар ҳақида сайловчиларга ҳаётий мисоллар билан маълумот бериб келинмоқда. Партиямизнинг асосий мақсади жамиятда ижтимоий тенглик ва адолатни ҳамда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдан иборат.

Сайловолди дастуримизга ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун давлат боғчаларига ҳар ой тўланадиган ота-оналар тўловидан имтиёзлар бериш таклифи киритилгани, айниқса, оналарни мамнун этди. Агар бундай оилаларга тўловда енгиллик берилса, биринчи навбатда, улар меҳнат қилиб, барқарор даромад топиш, оиласи шароитини изга солишда кенг имкониятга эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, болалар назоратсиз қолмайди, таълим-тарбияси ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Шунинг учун ҳам партиямизнинг айни таклифини жамиятимиз учун жуда ўринли, ҳаётий таклиф, деб биламан.

Электорат вакиллари билан ёнма-ён

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидаги учрашув мазмунан янгича ёндашув ва кенг қамровда ташкил этилди. Халқ демократик партияси етакчилари ва фаоллари пойтахтимиздаги мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар, тарбиячи-педагоглар, мураббийлар билан учрашди.

Таъкидланганидек, таълим — давлат ва жамият тараққиётининг муҳим асоси. Бебаҳо бойлик ҳисобланган ёш авлод манфаатини таъминлаш учун ушбу соҳага устувор эътибор қаратиш лозим. Зеро, энг истиқболли сармоя таълимга йўналтирилган сармоядир.

Тадбир давомида партия ёшларнинг сифатли таълим олиши тарафдори экани алоҳида қайд этилди. Юртимиздаги ҳар бир бола ҳаётда ва жамиятда ўрин топадиган шахс сифатида шаклланиши учун таълимнинг барча босқичида тенг имкониятлар яратилиши кераклиги айтилди.

Ўз навбатида, йиғилганлар партиянинг дастуридан ўрин олган таклиф-ташаббусларни қўллаб-қувватлади ва ўз фикрларини билдирди.

Наргиза АҲМЕДОВА,
ўқитувчи:

— Учрашувда Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ижтимоий ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, жумладан, таълим тизимида ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлаш ғояси ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлдик. Мисол учун, менга “Саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар” ижтимоий лойиҳасини кенг амалга ошириш ташаббуси маъқул келди. Ҳақиқатан ҳам, болалар доимий тиббий назоратда бўлиши, соғлом овқатланиши уларнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фарзандларимизнинг замонавий талабларга жавоб берадиган ўқиш ва ўқитиш муҳитида таълим олиши, ўз вақтида тиббий назоратда бўлиши учун ҳам саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар керак.

Мен партиянинг бу каби халқчил таклифларини қўллаб-қувватлайман.

Дастуримиз наманганликларга ҳам манзур

Наманган шаҳридаги оммавий тадбирда партиямизнинг аҳоли барча қатлами учун бирдек манфаатли бўлган Сайловолди дастури иштирокчиларга кенг таништирилди. Партиянинг ижтимоий соҳа билан боғлиқ таклифлари ҳаётийлиги, давлатнинг ижтимоий ислоҳотчи сифатидаги ўрни ва ролини сақлаб қолишга уриғу бераётгани наманганлик сайловчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Сайёра ХАДЖИМИРЗАЕВА,
халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод:

— Биласиз, Наманган улкан саноат ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунинг учун партия дастуридаги аёллар меҳнатига ихтисослаштирилган ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қошида оилавий боғчалар фаолиятини йўлга қўйиш орқали корхонада ишловчи аёлларга шароит яратиш таклифини тўғри, деб биламан.

Юртимизда аёлларга эътибор ортиб бормоқда, уларнинг билим олиши, касб эгаллаши рағбатлантирилмоқда. Аёл кишининг ҳам касб-ҳунарли бўлиб, меҳнат қилиши оиланинг моддий фаровонлигига ҳисса қўшади, фарзандлар келажаги учун янада яхши шароит таъминланади.

Шу маънода, партия илгари сураётган ташаббус боғча ёшидаги фарзанди бор аёлларга ҳам ишлаш имконини кўпайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қисқача айтганда, партиямиз ва номзодларимиз сайловолди тарғибот тадбирларини республикамизнинг барча ҳудудида кўтаринки руҳда ўтказмоқда.

“Ижтимоий давлат учун” шиори билан сайловларда иштирок этаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ва унинг номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2024 йил 23 октябрь

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА МАСЪУЛИЯТ

1 Бундан ташқари, МСКнинг ва сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари қуйи сайлов комиссиялари, барча давлат органлари, сиёсий партиялар, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Қолаверса, сайлов комиссиялари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар қўйилган масалани кўпи билан уч кунлик муддатда кўриб чиқиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шартлиги белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, мансабдор шахслар МСКнинг, сайлов комиссияларининг қарорларини белгиланган муддатда ижро этмаслиги, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиши ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиши *МЖтК 51³-моддаси бўйича жавобгарликка олиб келади.*

Номзод, ишончли вакил, кузатувчи, партия ваколатли вакили ҳуқуқлари

Қонунчилик палатаси ёки маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланиш учун сайловларда белгиланган тартибда сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари номзод деб топилади ҳамда улар МСК ва тегишли сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олиниб, уларга белгиланган шаклдаги гувоҳнома расмийлаштирилади.

Сайлов кодексининг бир қатор моддаларида, шунингдек, МСКнинг 2019 йил 19 сентябрдаги ҳамда 5 октябрдаги қарорида номзод, ишончли вакил, кузатувчи ёки сиёсий партия ваколатли вакиллари ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра *ишончли вакил* номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадиган, номзод сайланиши учун ташвиқот олиб борадиган, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.

Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан *кузатувчилар* ўз фаолиятини комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга оширади. Бунда кузатувчининг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан, сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат бўлади.

Сиёсий партия *ваколатли вакили* сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топшириш, имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текшириш ва сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда партиялар номидан иштирок этади.

Агарда мансабдор шахслар томонидан номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари бевосита ёки билвосита бузилса, улар *МЖтК 51⁴-моддасига асосан жавобгарликка тортилади.* Масалан, бундай қилмишлар мансабдор шахслар томонидан кузатувчининг ҳуқуқларини бузиш уни овоз бериладиган жойга қўймаслик, унга зарур маълумотларни, ҳужжатларни тақдим этмаслик ва бошқа шу кабиларда ифодаланиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти олиб бориш шартлари ва тартиби

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартиби Сайлов кодекси ва МСК қарорларида белгиланган. Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодларни ва сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан бошланади ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин тугатилади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқот олиб борилишига йўл қўйилмайди. Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан бирга олиб бориш тақиқланади.



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари, диний ташкилотлар профессионал хизматчилари сайловолди ташвиқотини олиб боришлари мумкин эмас.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партия ёки номзод фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади.

Номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили ва мансабдор шахслар томонидан сайловолди ташвиқотининг ушбу ҳолатлари ҳамда бошқа шартлари ва тартиблари бузилган тақдирда *МЖтК 51⁵-моддасига асосан* жавобгарлик келиб чиқади. Масалан, сайловчиларни ҳақ эвазига оғдириб олиш, ташвиқот материалларини мамлакат ҳудудидан ташқарида тайёрлаш, овоз бериш хоналарига босма ташвиқот материалларини жойлаштириш ва бошқалар шундай шартлар ва тартибларни бузиш сифатида баҳоланиши мумкин.

Тенг шароит ва соғлом рақобат муҳити

Соғлом рақобат муҳитида ўтадиган сайловларда сиёсий партиялар ўртасида ҳар бир овоз учун кураш кечади, соғлом рақобат бўлади. Шу жиҳатдан, қонунчиликда сайловолди ташвиқотини олиб боришда нотўғри ахборот тарқатиш, шахсга доир маълумотлар махфийлигини бузиш, номзодлар шаъни, қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зиён етказувчи ҳар қандай ёлғон (чалғитадиган ёки адаштириб юборадиган даражадаги) материалларни тарқатиш тақиқланган.

> *Сайлов кодексига мувофиқ сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Сайлов комиссиялари фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.*

Шунинг учун ҳар қандай фуқаро ёки мансабдор шахсларнинг сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод ёки сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотлар эълон қилиши ёки бошқа усуллар орқали тарқатиши *МЖтК 51⁶-моддаси бўйича жавобгарликка олиб келади. Ёлғон маълумотлар деганда* ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар, уларни эълон қилиш, бундай маълумотларни бир ёки бир неча шахсларга тарқатган ҳолда маълум қилиш тушунилади.

Бундан ташқари, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиш ёки уларга шикаст етказиш *МЖтК 51⁷-моддасига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.* Материалларни *қасддан йўқ қилиш деганда* ундан фойдаланиб бўлмайдиган даражада зарар бериш тушунилса, *қасддан шикаст етказиш деганда* уларни қайта тиклаш имконияти мавжуд бўлган ҳолда қисман яроқсиз ҳолатга келтириш англанади.

Молиялаштириш манбалари ва сарфланиши

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, Бюджет кодекси, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”-ги Қонун ва МСКнинг 2019 йил 25 октябрдаги қарори билан тасдиқланган йўриқномада сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган. Унга биноан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари ташвиқот олиб боришга, номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга, сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланади.

Фуқаролар томонидан тақдим этилган ҳомийлик маблағларидан сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди ташвиқотини молиялаштириш учун фойдаланиш мумкин эмас. Сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг сайловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар учун тақдим этиладиган *ҳомийлик маблағлари* МСКнинг шахсий ғазна ҳисобварағига кирим қилинади ҳамда ушбу маблағлар МСКнинг қарори асосида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга сарфланади ва ҳисоби алоҳида юритилади. Бундай хайрия маблағлари сиёсий партиялар, шу жумладан, майян сиёсий партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини молиялаштириш учун МСКнинг шахсий ғазна ҳисобварағига мақсадли келиб тушган бўлса, ушбу маблағлар *уч кунлик* муддатда хайрия субъектига қайтариб берилади.

Шунингдек, чет давлатлар, улар жисмоний ва юридик шахсларининг, халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан сайловни молиялаштириш ҳамда номзодлар ва сиёсий партияларни моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Агар фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан сайловни молиялаштириш бўйича юқорида келтирилган тақиқлар ёки уни молиялаштиришнинг белгиланган тартиби бузилса, улар *МЖтК 51⁸-моддасига асосан жавобгарликка тортилади.*

Агарда сиёсий партияларнинг мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайловда иштирок этиш учун ажратилган давлат маблағлари бўйича МСКга оралиқ ёки якуний ҳисоботларни тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этмаса ёхуд ҳисоботда била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этса, бундай қилмишлар учун МЖтК 51[11]-моддаси асосида жавобгарлик белгиланади.

Натижаларни эълон қилиш қоидасини бузиш ва «оилавий» овоз бериш тақиқланади

Сайлов кодексининг 97-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов якунларига кўра МСКнинг қарори сайловдан кейин *ўн кундан* кечиктирмай қабул қилинади, МСКнинг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади. Маҳаллий Кенгашга ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги қарор тегишли сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин *ўн кундан* кечиктирмай қабул қилинади ва матбуотда берилади, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

Қонунчилигимизда сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш, жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади. Мансабдор шахслар томонидан бу каби тақиқларнинг бузилиши *МЖтК 51⁹-моддасига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.*

Аксарият фуқароларимиз сайловларда “оилавий” овоз беришни одатий ҳолат деб ҳисоблашади. Бироқ Сайлов кодексига биноан, сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади ва бу билан фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқи кафолатланади. Шу жиҳатдан сайловларда “оилавий” овоз бериш ва унга йўл қўйиб бериш тақиқланади. Агарда сайлов комиссияси аъзоси томонидан фуқароларга бир неча марта ёки бошқа шахслар номидан овоз бериш учун сайлов бюллетенлари берилса, бундай қилмишлар учун *МЖтК 51¹⁰-моддаси асосида жавобгарлик белгиланади.*

Жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳолатлар

Жиноят кодексининг 146-моддасида сайловларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчи хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

Овоз бериш яширинлигини бузиш деганда сайловчининг яширин овоз беришни назарда тутувчи хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш тушунилади.

Сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш деганда уларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган нотўғри маълумот киритиш, ҳақиқий ҳужжат мазмунини ўзгартириш, матнга ўзгартириш ва тузатишлар киритиш, нотўғри мазмунга эга бўлган янги ҳужжат тайёрлаш назарда тутилади.

Сохта маълумот киритиш деганда сайлов жараёнига тааллуқли ҳужжатларга ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот киритилишига айтилади.

Берилган овозларни атайлаб нотўғри санаш сайлов натижаси ҳақидаги маълумотларни ҳисоблаш жараёнида у ёки бу номзод фойдасига ҳақиқатда берилган овозларни нотўғри ҳисоблашда намоён бўлади.

Сайлаш ва сайланиш фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бўлиб, ушбу ҳуқуқлар жиноят қонунчилиги билан ҳам муҳофаза қилинади. Шу боис Жиноят кодекси 147-моддасида фуқароларнинг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка номзод шахс ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга сайловларда бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади. Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар сайлов комиссиясига илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

Сайловолди тарғиботи олиб боришга тўсқинлик қилиш деганда номзодларнинг қонунда белгиланган тартибда ўзининг келгуси фаолият дастури моҳиятини тушунтириш юзасидан сайловчиларнинг йиғилишларини ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишга қаршилик қилиш тушунилади.

Номзодлар ишончли вакилларининг ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига тўсқинлик қилиш деганда ишончли вакилларнинг номзодларга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, номзодлар сайланиши учун тарғибот олиб бориш, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатларини олиб боришига қаршилик қилиш ёки чеклашни тушунамиз.

Келтириб ўтилганидек, сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, бу бўлажак сайловларнинг демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтказилишига ҳуқуқий замин яратади.

Аброржон ОТАЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори.



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

ДАВЛАТ ТИЛИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИ ЯГОНА ОИЛА СИФАТИДА БИРЛАШТИРАДИ

Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Ўзбек тили — адолат тили, муҳаббат тили, шеър тили, ҳистуйғулар тили, кўнгил тилидир. Унинг гўзалликлари, сирли маъволари қошида бош эгмай, уни севмай, ардоқламай бошқа илож йўқ. Азиз ва мукаррам тилимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, маърифатпарвар жадид бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу гапи айни ҳақиқат эканига амин бўламиз: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Шукрки, жонажон диёримизда миллат руҳини йўқотмаслик учун дадил қадамлар ташланмоқда. Тилни асраб-авайлаш нафақат тилшунос зиёлилар, балки ҳар бир инсоннинг қалб амри, аждодлардан мерос бурчи бўлиши таъкидланяпти. Президентимиз бошчилигидаги тил сиёсатига доир ташаббуслар мазмун-моҳиятига назар солсангиз, бу йўлда амалга оширилаётган ишлар кундан-кунга такомиллашиб бораётганини сезасиз.

Давлат тилига ҳурматни нима белгилайди? Унда равон, чиройли гапириш, фикрини эмин-эркин билдириш, тўғри ёзиш, албатта. Ўзбек халқи азал-азалдан сўзни қадрлайдиган, адабиётга меҳр қўйган, тили учун кураша оладиган халқ. Буни тарих зарварақларидан ҳам ўқиб, уқиб олиш қийин эмас.

Ота-боболаримиз бежиз “Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан, ўзлигидан адашади”, дейишмаган. Демак, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ривожи, гуркираб яшнаши, миллат ўлароқ яшаши тил аталмиш муаззам бойликни асраш билан боғлиқ. Ўзбек деган ном, миллат асрлар ошишини истасак, албатта, тилга муносабатимиз, ҳурматимиз жойида бўлиши шарт ва зарур.

Эулогио КРЕСПИН,
инвестор (АҚШ):

— Куни кеча тил байрами тадбирида қатнашиб, Ўзбекистонда давлат тилига бўлган эътибор ва меҳр нақадар юксаклигига гувоҳ бўлдим. Байрам жуда кўтаринки руҳда, катта шодиёна билан нишонланди. Тадбир дастуридан ўрин олган шеъру қўшиқларда, саҳна кўринишларида ўзбек тилининг бор жозибаси, латофати акс этди. Одамларнинг юз-кўзида севинч, дилида муҳаббат. Буни кўриб, дилим ҳайрат ва ҳавасга тўлди. Ахир барча давлатда ҳам тил байрами нишонланавермайди, ҳамманинг ҳам тилга муносабати бу даражада эмас.

Мамлакатингизга келганимга 1 йилдан ошди, ҳозирда ўзбекчани яхши тушунаман ва бемалол гаплаша оламан. Очиғи, юртингизга илк келганимда тилни билмасамда бу ернинг одамлари самимийлиги, меҳмондўст ва очиққўнгиллигини ҳис қилганман. Иш фаолиятимни янада яхшилаш, бизнес ҳамкорларим ва дўстларим билан бемалол мулоқот қила олишим учун, албатта, ўзбек тилини яхши билишим талаб этиларди. Кейинчалик бу истак қатъий мақсадга айланди, бугун эса мана қаршингизда талаффузим бошқача бўлишига қарамай равон гапириб турибман.

Дўстларимга “Ўзбек тили ўзига хос ва гўзал тил, бунга шубҳангиз бўлса, ўзбек миллий қўшиқлари, лапарларига қулоқ тутинг, халқ закоси яратган мақолларни ўқинг. Улар ўзининг ғоявий-фикрий теранлиги, мазмунан пишиқлиги ва оҳангдорлиги билан кўнгилга хуш ёқади, одамни фикр юритишга ундайди”, дейман. Уларнинг бу гўзалликдан баҳра олишини истайман.

Ҳозир оила аъзоларимни ҳам ўзбек тилини ўрганишга ундамоқдаман. Рафиқамнинг ҳам бу тилни ўрганишга иштиёқи ошган. Шунингдек, ўғлимиз ҳам ўзбекчани мукаммал ўрганмоқда, ҳатто шеърлар ёдлаган.

Ўзбек тили келажакда янада ривож топиб, бойиб, ўз қадру қийматини йўқотмай яшашига ишонаман. Зеро, бунга ҳозирдан хайрли ишлар кўрилмоқда.

Маъсума МЎМИНОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори:

— Айни кунларда хонадонларимизу маҳалламиз, қалбларимиз Ўзбек тили байрами ва она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллик шодиёнаси севинчи, шукуҳи билан тўлган. Бу байрамнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, ўзгача маъно-мазмун билан бойиб бораётгани кишини беҳад хурсанд қилади. Бу йўлда, айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган тил сиёсати ва давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Куни кеча ҳам Президентимизнинг байрам муносабати билан халқимизга йўллаган табригини кўтаринки руҳда кутиб олдик. Унда давлат тили равнақини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар қайд қилиниши баробарида ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш учун ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турганига урғу берилди. Аввало, юксак тараққий этган демократик давлатларда бўлгани каби давлат тили бутун жамиятни, тили ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларни ягона халқ сифатида бирлаштиришга хизмат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда қонунга ҳурмат ва итоат муҳитини таъминлаш, жумладан, “Давлат тили ҳақида”-ги Қонунни ҳаётимизга изчил татбиқ қилишда барчамиз юксак маданият ва ўзаро бир-бирини англаш туйғусини намоён этишимиз лозимлиги, бу борада барча таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини оширишга эришиш муҳим аҳамиятга эгалиги айтилди.

Бу бутун халқимизга, айниқса, биз, таълим соҳаси вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Бундан кейин ҳам янада катта шижоат ва ғайрат билан ёш авлод камолотига, она тилимиз ривожи ва тарғиботига ҳисса қўшаверамиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Гулистон давлат университети жамоаси университет доценти **Абубакр МУХАМЕТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6